

«Оламларга раҳмат Пайғамбар» сийрат танловининг тақдирлаш маросими бошланди



10:37 / 12.10.2023 833

Айни дақиқаларда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида муфтий Нуриддин домла Холиқназар ҳазратлари ташаббуси билан ташкил этилган бош мукофоти – Ҳаж сафари йўлланмаси бўлган «Оламларга раҳмат Пайғамбар» номи сийрат танловининг якуний тақдирлаш маросими бошланди.

Бир ойдан зиёд вақт мобайнида танловга сийратга муҳаббатли бўлган юртдошларимиздан 500 дан ортиқ ижодий ишлар келиб тушди. Уларни баҳолашга профессор-ўқитувчилар, таниқли уламолар, ёзувчи-шоирлар, моҳир журналистлар, «Сийрат» фани устозлари, Ислом тарихи билимдонлари ва медиа соҳаси мутахассислар жалб этилди.

Якунда танловнинг энг сара ижодий ишлари юқори баҳога лойиқ кўрилди. Айни дақиқаларда ғолиблар эълон қилиниши кутилмоқда.



*Сизни соғиндик
Э Расулulloҳ!*



“Оламларга раҳмат пайғамбар”

НОМЛИ СИЙРАТ ТАНЛОВИНИНГ

ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ

Тошкент – 2023

